

Бу мақолада биз сизларга Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг “табiiй” ўлими қандай ташкил этилганининг айрим тафсилотларини етказамиз. Бундан ташқари, ўқувчиларимиз диққатига Ўзбекистон президенти вазифасини вақтинча бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг “қора” ва “оқ” рўйхатини тақдим этамиз. Мирзиёев-Путин



Самарқанд нони.
“Mackwoods Tea” навли қора чой.
“Borjomi” маъданли суви.
“Coca Cola” газли ичимлиги.
“Kauffman Private Collection Luxury” ароғи.
“Beluga Gold Line” ароғи.
“L'Essence de Courvoisier” коняги.
“Remy Martin VS” коняги.
“Jack Daniels Gold” вискиси.

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “ТАБИИЙ” ЎЛИМИ ҚАНДАЙ УЮШТИРИЛДИ?

хунтасининг қаршимиздаги уч ой учун тузган режалари ҳақида маълумот берамиз.

Энди булар ҳаммаси ҳақида бир бошдан.

Шундай қилиб...

Дўрмондаги “олимпия” зиёфати ва Ислом Каримов учун “махсус” таомлар

2016 йил 26 август жума куни Дўрмондаги президент қароргоҳида ўзбекистонлик спортчиларнинг Рио – 2016 олимпия ўйинларидаги катта ғалабалари шарафига Ислом Каримов ташаббуси билан зиёфат уюштирилди. Президент дастурхони теварагида Рио – 2016 ўйинларининг барча совриндорлари ҳамда тор доирадаги республика ҳукумати аъёнлари – Зелимхон Ҳайдаров, Шавкат Мирзиёев, Рустам Азимов ва Мираброр Усмоновлар қатнашишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, “олимпия зиёфатлари” ўтказиш илгаридан анъанага айланган – Лондон, Пекин, Афина ва Сиднейда ўтган олимпиадалардан кейин ҳам Ислом Каримов ташаббуси билан шу каби зиёфатлар уюштирилган. Бинобарин, бу сафар ҳам шунақа зиёфат уюштирилишини ҳукумат тепасидагилар деярли ҳаммаси биларди.

Бироқ бу охириги зиёфат

олдингиларидан айрим нуқталарда фарқли кечди.

Биринчидан, президент таомлари бу гал Ислом Каримовнинг шахсий овқатшунос дўхтири иштирокисиз ва розилигисиз танланди ва тайёрланди. Иккинчидан, мамлакат президентига мўлжалланган таомларни тайёрлаш жараёнига президентнинг шахсий овқатшунос дўхтири аралаштирилмади. Яъни, ҳаммаси унинг иштирокисиз тайёрланди.

Қуйида 2016 йил 26 август куни Ислом Каримов дастурхонига тайёрланган ва қўйилган таомлар ва ичимликлар таомномасини берамиз:

Сомса (хамир, пиёз, қўй гўшти, қўй ёғи).

Қумалоқланган қийма гўштли шўрва (от гўшти, картошка, пиёз, саримсоқ, сабзи, лапша).

Палов (гуруч, сабзи, қизил пиёз, қўй гўшти, қўй ёғи).

Аралаш салат (“Ассорти” салати – қисқичбақа, петрушка кўкати, саримсоқ, денгиз тансиқ махлуқчалари, зайтун).

“Денгиз инжиқлиги” (“Морской каприз”) салати (тухум, денгиз қисқичбақаси гўшти, калмар, кўкатлар, кўкпиёз, туз, майонез).

Жавдардан бўлган ўртача қораликдаги хлеб.

Жавдардан бўлган қора хлеб.

“Macallan in Laliqе 57 Y.O.” вискиси.

Бу таомномага боқилса, бир нарса диққатни тортади: ўша куни Ислом Каримов кечки дастурхонига асосан қонбосимни оширадиган таом, салат ва ичкиликлар қўйилган! Нимагадир у куни Дўрмон қароргоҳи ошпазлари илгари бир марта инсултни бошидан ўтказган Ислом Каримовга қўй гўшти ва от гўштидан тайёрланган таомларни пишириб беришган. Ҳолбуки, бу ҳайвонларнинг гўшти одамнинг қон босимини кескин ошириб юборишини ҳамма билади!

Бир марта инсулт бўлиб ўтган одамга ҳатто денгиз маҳсулотларидан тайёрланган салатлар ҳам хавfli саналади. Ўзбекистоннинг биринчи президенти тавсия этилган бу тур коняк ва вискилар ҳам босимни ошириш хусусиятига эга. Шунга қарамай, давлат бошлиғига фақат кучли овқат ва ичкиликлар тақдим этилган!

Зиёфат уч соатча давом этган бўлса, ўзбекистонлик спортчиларнинг ғалабасидан чексиз даражада қувониб кетган Ислом Каримов арокни ҳам, бошқа спиртли ичкиликларни ҳам роса бўкиб ичди. Бир марта президент

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

девони бошлиғи Зелимхон Ҳайдаров давлат бошлигини ҳаддан ташқари кўп ичиб қўяётганидан огоҳлантирмоқчи ва қайтармоқчи бўлди, бироқ Ислоҳ Каримов унга қулоқ солмади.

Зиёфатдан кейин, тахминан тунги 00:00 билан 00:30 оралиғида маст Ислоҳ Каримов Зелимхон Ҳайдаровни бир оз ёнида қолиб латифалар айтиб беришини сўради. Кўпдан-кўп латифа билиши ва чиройли гапириб бериши билан машхур Зелимхон Ҳайдаров кулгили латифалар айтиб Ислоҳ Каримовнинг қўнглини хушнуд қила бошлади. Яна бир оздан кейин президент Зелимхон Ҳайдаров билан бирга Дўрмон қароргоҳи боғларида сайр қилгиси келиб қолди. Ислоҳ Каримов суҳбатдоши билан боғ ичидаги шийпончада гаплашиб ўтирган пайти бирдан инсулт хуруж қилиб қолди.

Тезликда қароргоҳдаги навбатчи дўхтирлар чорланди. Улар биринчи тиббий ёрдамни кўрсатишди ва президент миясига қон қуйилганини аниқлашди. Шу тундаёқ Ўзбекистоннинг бош кардиологи Равшан Қурбонов ва бошқа тиб олимлари ҳам қароргоҳга етказиб келинди ва улар ҳам президентнинг миясига қон қуйилганини (инсулт) тасдиқлашди.

27 август тонгда Ислоҳ Каримов махсус тиббий мошинада 1-хукумат шифохонасига келтирилди. Президент у ерда 29 август тахминан соат 16:00 ларгача қолди. Бу вақт орасида ҳукумат шифохонасини президентнинг Кўриқлаш хизмати ходимлари ўраб олишди ва қаттиқ кўриқлай бошлашди.

Ўша куни кечқурун шифохонага Россия ва бошқа айрим давлатлардан машхур дўхтирлар олиб келинди. Президент аҳолини ўрганган чет эллик мутахассислар “Каримовнинг юраги тўхтаганига қарамай, унинг мияси кўп қон қуйилгани боисидан ўлиб бўлган” деган тўхтамага келишди.

Ислоҳ Каримовнинг юраги тахминан 29 август куни соат 16:00 ларда тўхтади.

Бироқ ҳукумат аъёнлари (Ислоҳ Каримовнинг “табiiй” ўлимини уоштирганлар) президент ўлими хабарини орқага суришга қарор қилишди ва бу орада Каримовни кўмиш ва ҳокимиятни Шавкат Мирзиёев қўлига топшириш бўйича барча ташкилий

масалаларни ҳал қилиб олишди. Ва ниҳоят 2 сентябрь куни кечга бориб президент Ислоҳ Каримов ўлгани тўғрисидаги хабарни мамлакатга ва дунёга расман эълон қилишди.

Ислоҳ Каримовнинг ўлими Ўзбекистон ва Россия махсус хизматларининг қўшма режасига кўра Рустам Иноятов, Шавкат Мирзиёев ва Зелимхон Ҳайдаров қўли билан амалга оширилди деса бўлади. Бундай қатъий баёнотимизга асос бўла оладиган маълумотлар кўлимизда бор.

Шундай қилиб...

Россия махсус топшириқларни бажарувчи гуруҳининг яшириқча Ўзбекистонга жойлашиши

2016 йил 27 август куни кечқурун Москвадан махсус самолётда Россиянинг бош кардиохирурги Лео Бокерия Тошкентга келди. Қизиғи, эртаси куни яна тагин махсус самолётда Москвадан Тошкентга “Альфа” гуруҳининг 300 аскарлари ташланди. “Альфа” гуруҳи Россия Федерал хавфсизлик хизмати (ФХХ – ФСБ) нинг ҳарбий бўлинмаси экани маълум. 28-29 август кунлари улар Тошкент, Андижон ва Самарқанд горнизонларига 100 тадан қилиб жойлаштириб чиқилди. “Альфа” гуруҳи аъзолари шу кунларгача шу айтилган шаҳарларда ўтиришибди.

Бизга етиб келган хабарга қараганда, Россия махсус бўлинмаси аскарлари Ўзбекистонда 2017 йил баҳоригача – Кремл малайи Шавкат Мирзиёев тўла ва узил-кесил ғалабасигача қолишади. “Альфа”нинг асосий вазифаси Кремл сиёсатига ўйнайдиган Рустам Иноятов билан Шавкат Мирзиёев шайқаси ҳокимият тизгинини ўз қўлларига эсон-омон олишларини, а йни чоқда, майдонга бу шайқага қарши биронта куч чиқиб қолмаслигини орқадан туриб таъминлашдир.

Россия ва Оврупа давлатларидан дўхтирларни махсус самолётда Ўзбекистонга етказиш, Россия “Альфа” гуруҳини Москвадан Ўзбекистон пойтахтига келтириш ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Бу ишларнинг чиқимини Кремл олигархи, Путиннинг “хамён”и Алишер Усмонов кўтарган, деган хабарлар ҳам бор. Лекин биз бу хабарни қатъий тасдиқлай олмаймиз, чунки, билишимизча, айни ўша таҳликали кунлари Алишер Усмонов Лондонда бўлган. Балки бу ҳам “панада қолиш”нинг

бир йўлидир...

Нима бўлганида ҳам, бу учишлар жуда қисқа муддат оралиғида ва тез ташкил этилгани одамни ҳайрон қолдиради.

Айтилганлардан Тошкентда “мирзиёевчилар” “мияга қон қуйилиш” можароларига ва Россия махсус ҳарбий бўлинмасининг Ўзбекистонга жойлашишига олдиндан тайёр экани ойдинлашади.

Юқорида айтдик: Россия ҳарбийлари Тошкентга келган заҳоти юзта-юзтадан қилиб Тошкент, Андижон ва Самарқанд горнизонларига тарқатилди. Қизиғи, шу кунгача Ўзбекистон МХХсининг террорга қарши “Ц” отрядининг макони бўлган бу горнизонлар “янги меҳмонлар”ни қабул қилиб олишга олдиндан тайёрлаб, бўшатиб, барча шароитлар яратиб қўйилган эди.

Бу ишларнинг яна бир қизиқ томони – 19-20 август кунлари, яъни, “инсулт” можаросидан бир ҳафта бурун “Ц” бўлинмасининг Тошкент, Андижон ва Самарқанд шаҳарларидаги аскарлари тезлик билан ТАБ (Кўчма амалиётлар бўлинмаси) – БМО (Батальон мобильных операций)га қарашли казармаларга кўчириб ўтказилган. Бизнинг тахминимизча, Ўзбекистон МХХси раҳбарияти ўзининг махсус бўлинмаларини ТАБ чиларнинг казармаларига ҳайдаб, россиялик “меҳмонлар”га жой бўшатган.

Тўғридан-тўғри бўлмаса ҳам, Тошкентда “мирзиёевчилик” Путин олигархлари билан биргаликда Ислоҳ Каримовнинг “тўсатдан” ўлиб қолишига тайёрланганига ишора қиладиган яна бошқа воқеалар ҳам бор.

Шундай қилиб...

Алишер Усмоновнинг Ўзбекистон бош вазирига ва Тошкент жиний тўдаларига “Апрел тезислар”и

2016 йил апрели бошларида Тошкентга келган Алишер Усмонов ҳузурига “Ботир алюмин” лақабли Ботир Раҳимовни чорлади. Ботир Раҳимовни жиноя оламининг авторитетларидан Салим Абдувалиевнинг ўнг қўли деса ҳам бўлади. Суҳбат чоғи Кремл олигархи Ўзбекистоннинг алюмин қироли Ботир Раҳимовга ажиб бир таклиф қилиб қолди: автоҳалокатда ўлган жияни Бобур Усмоновнинг бевасига расман уйланишни тавсия этди. Ботир Раҳимов Алишер

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Усмоновнинг нафақат бу таклифига, балки ҳозирги оиласидан расман ажрашишга ҳам ўйлаб ўтирмасдан рози бўлди.

Бу учрашувда Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳам бор эди ва у Диёра Усмонованинг “вакил ота”си мақомида қатнашди. Маълумки, Диёра Усмонова (Ҳошимова) Бош вазир хотинининг жиянидир. Бу никоҳнинг бошқа “майда-чуйда” масалаларини ҳал этишни Алишер Усмон Шавкат Мирзиёев билан Ботир Раҳимовнинг ўз ихтиёрларига топширди. Ўзбекистон Бош вазири билан алюмин “кирол”и Кремлдаги хўжайинларига кулоқ солиб, Ботир Раҳимовнинг биринчи никоҳини тезда буздилар ва тўйни 2016 йил 6 май жума кунига белгиладилар.

Шавкат Мирзиёев билан Ботир Раҳимов жума кунини бекорга танлашмади. 5 май пайшанба кунини Салим Абдувалиевнинг туғилган кунини ва бунда катта банкет бўлиши муқаррар эди.

Салимбойнинг туғилган кунини билан уюштирилган зиёфатда Шавкат Мирзиёев куёвлари Отабек ва Ойбек билан бирга келди. Банкетга Ойбек куёвнинг отаси, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг Террорчиликка қарши кураш бошқармасининг собиқ бошлиғи Ботир Усмонов ҳам келган эди.

Салимбой Абдувалиевнинг туғилган кунини қадаҳлар нафақат “чақалоқ”нинг шарафига, балки тўйи эртагага белгиланган “ёш келин-куёв” Ботир Раҳимов билан Диёра Усмонова шарафларига ҳам кўтарилди, қизгин сўзлар сўзланди.



Шуни таъкидлаш лозимки, 2004 йилдан бошлаб бу ёнга қадар Шавкат Мирзиёев бирон марта қолдирмасдан Салим Абдувалиев туғилган кунларига қатнашиб келади. Анъанага кўра, бу тантанали зиёфатларга у доим икки куёвини олиб келади.

Ботир Раҳимов билан Диёра Усмонованинг никоҳи Салимбой Абдувалиев теварагидагилар учун ҳам, Шавкат Мирзиёев оиласи учун ҳам фойдали битим бўлди. Ботир Раҳимовни ўзига оилавий “қариндош” қилиб олиб Ўзбекистон

Бош вазири нафақат Алишер Усмонов билан, балки у суяйдиган тошкентлик “кўча болалари” билан ҳам муносабатини мустаҳкамлаб олди.

Шундай қилиб...

Шавкат Мирзиёев – Кремл амалдорлари ва олигархларининг малайи

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон президенти вазифасини бажарувчи лавозимини зўрлик билан эгаллаган заҳоти биринчи навбатда Москва Кремлидан келган буйруқни бажарди: яъни, жиноят олами авторитети Фафур Раҳимовнинг жиноий “иш”ини ёпиш, Ўзбекистон ИИВнинг Интерполга йўллаган талабномасини бекор қилиш ва Фафурбойнинг Тошкентга эсон-омон қайтиб келишни таъминлаш.

Фафурбой Раҳимов Халқаро Олимпия кўмитаси аъзоларининг овозини сотиб олиб, 2014 йилги қишки олимпия ўйинлари Сочида ўтишини таъминлаган эди. Шунинг учун Путин ундан ниҳоятда миннатдор бўлган ва “қарз”ини узмоқ ниятида Ёкутистондаги йирик олмос конини Фафурбой Раҳимовга совға қилиб юборган эди. Шундай бир зотга энди Ўзбекистон ичида ҳам, унинг ташқарисиди



(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳам ҳеч қандай жиноий “иш” ҳавф солмайдиган бўлди.

Шавкат Мирзиёевнинг бу “олижаноблиги”га жавобан кремлик олигарх Алишербой Усмонов бир ишчи гуруҳ тузиш ишини бошлаб юборди. Бу гуруҳнинг вазифаси Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди компанияси учун иқтисодий дастур (йўл-йўриқлар) ишлаб чиқишдир. Дастур лойиҳасида ўзбек сўмини хориж валютасига эркин айирбошлаш (конвертация)ни очиш ваъдаси ҳам бор. Усмоновнинг иқтисодчилари бу мақсад учун Ўзбекистон ватандошлари чет эллардан электрон тизимлар орқали юбораётган валюта маблағи ҳисобидан бир жамгарма шакллантиришни ният қилишган. Ҳозирча бу гуруҳ Москвада ишляпти. Бироқ шу йилнинг октябрида 40 кишидан иборат бу “иқтисодий десант” Тошкентга хизмат сафарига йўлланади.

Ғафур Раҳимовнинг муруввати ҳам эвазсиз қолмади, албатта: Кремлнинг хўжайини Владимир Путин 20 сентябр куни Тошкентга Россия Федерал хавфсизлик хизмати офицерларидан кўшимча 30 кишини Тошкентга юбориш билан ўз миннатдорлигини кўрсатди. Улар Шавкат Мирзиёевни кўриклаш учун учиб келишди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон президенти вазифасини бажарувчи 21 сентябрданок М. Тоҳирий бошчилигидаги Президент хавфсизлиги хизмати (ПХХ)нинг хизматидан воз кечди.

Шавкат Мирзиёевнинг Кремл амалдорлари ва олигархлари, шунингдек, ўзбек жиноий авторитетлари билан муносабатлари шакли куйидаги чизмада кўрсатилган:

Кейинги воқеалар Ўзбекистоннинг чинакам хўжайини Россия президенти Владимир Путин эканини кўрсатяпти.

Муносабатларнинг бу шаклида Ғафур Раҳимов, Салим Абдувалиев ва Ботир Раҳимов мирзиёевчиларнинг маҳаллий харажатларини кўтариши керак. Яна “кўча” ҳам ёрдам кўрсатиши лозим. Хоссатан, маҳаллий тадбиркорлар учун сердаромад бўлган жойларни тортиб олиш орқали. Кремл олигархи Алишер Усмонов чекига эса мирзиёевчиликнинг йирик, айниқса халқаро чиқимларини қоплаб туриш тушди.



Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллий жиноий авторитетлари ўртасида ўрнатилган “дўстона муносабат” ҳозирдан мева бера бошлади. Унинг куёвлари Отабек билан Ойбек пойтахтдаги бой “Яккасарой” ресторанига келишди ва унинг хўжайинидан ресторани ўзларига сотишни талаб қилишди.

Шу кунларда Шавкат Мирзиёев бошқа ғаразли мақсадларини ҳам амалга ошириш, шунингдек россиялик хўжайинларининг буюртмаларини ўринлатиш ниятидадир.

Шундай қилиб...

Шавкат Мирзиёевнинг яқин уч ойлик режаси

Шавкат Мирзиёевнинг яқин режаларида Ўзбекистоннинг энг даромад келтирувчи ҳиссдорлик компанияларини Алишер Усмоновга ва бошқа россиялик олигархларга сотиш лойиҳаси турибди. Мирзиёевчилар “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан “Ўзбекистон темир йўллари” давлат ҳиссдорлик темирйўл компаниясини савдога қўйишга тайёрланишяпти. Тез орада Россия сармоядорлари диққатига Олмалик, Бекобод ва Навоий металлургия комбинатлари тақдим этилади. Асакадаги автомобил заводини эса кимошди савдоси орқали Ғафур Раҳимов сотиб олмақчи. Унинг Ўзбекистонга қайтишини Шавкат Мирзиёев сабрсизлик билан кутиб турибди.

Шу йил октябрининг ўзидаёқ Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан унинг куйида саналадиган сеvimли “укашон”лари ва уларнинг

Тошкентдаги ва Москвадаги хўжайинлари ҳақида очилган жиноий “иш”лар ва таъкиблар бирин-кетин тўхтатилади:

Жавдот ва Ҳаёт ШАРИФХЎЖАЕВлар – ака-ука “мхх”чилар. Улар Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятов ҳимоя қанотида эди, аммо қанча асрамасин, президент Ислом Каримовнинг шахсий талаби билан қамоққа олинган эди;

Лазар ШАЙБАЗЯН – “асфалт кироли” лақаби билан машхур. У Ўзбекистондаги барча асфалт заводлари тепасига россиялик мафиозлар талаби ва Владимир Путин “розилги” билан Салим Абдуллаев ёрдамида келтирилган эди. Лазар Шайбазяннинг бу лавозими учун 5000000 (беш миллион) доллар пора берилган ва уни шахсан Бош вазир Шавкат Мирзиёев олган. Россия жиноят олами авторитетлари берган бу порани Ўзбекистон Бош вазирига Салим Абдувалиев етказган. Кейинчалик Лазар Шайбазян Мирзиёев билан Абдувалиевнинг умумий “хамён”и бўлиб қолди.

Аҳмаджон ТУРСУНБОЕВ (лақаби “Аҳмадбой Чиназский” дир) – тадбиркор, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан. Шу бу йил молиявий пирамида тузганликда айбланиб қамоққа олинган. Аҳмаджон Турсунбоев Шавкат Мирзиёевнинг пулини айлантитар, топганини бир центигача қолдирмай Бош вазирга берар эди. Аҳмаджон Турсунбоевдан ҳамма айбловлар олиб ташлангач кўрасизлар: чинозлик бу тадбиркорга ким қарши чиққан ва ижтимоий тармоқларда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

унинг устидан кимлар кулган бўлса, уларга қарши қаттиқ жазо чоралари кўрилади! Алоҳида жазо Аҳмадбойни “шарманда қилиш” борасида айрича жонбозлик кўрсатган ўзбек шоу-бизнеси вакилларига қаратилади.

Шавкат Мирзиёевнинг “оқ рўйхат”ида яна порахўрлик, қароқчилик, босқинчилик ва бошқа жиноятлар учун қамоқ жазосини ўтаётган собиқ амалдорлар ва жиноят олами вакиллариининг исмлари бор. Жумладан, озоликка Ғафур Раҳимовнинг танқўриқчилари ва “босимчи”лари чиқишади. Улар Ўзбекистондаги завод ва фабрикалар раҳбарларини ўлдирганлари учун қамалган эдилар.

Шавкат Мирзиёевнинг яқин режаларидан бири – ўзининг одамларини ҳукуматнинг юқори лавозимларига тайинлашдир. Масалан, республика Бош прокурори лавозимига ҳозирги Ихтиёр Абдуллаев ўрнига Хоразм вилояти ҳокими Пўлат Бобожоновни тайинласа керак.

Энди қисқача Шавкат Мирзиёевнинг “қора рўйхат”ига тўхталиб ўтамиз.

Бу рўйхат бошида Шавкат Мирзиёев билан Рустам Иноятовнинг умумий душманлари – Ўзбекистон республикаси Бош вазири ўринбосари, Молия вазири Рустам Азимов турибди. Гарчи бир томондан Мирзиёев билан Иноятов, иккинчи томондан Рустам Азимов “мамлакат ҳукуматида тинч-тотувлик ҳақида” ўзаро оғзаки эркаларча келишиб олинган бўлса-да, мирзиёевчилар бу келишувни хоҳлаган пайтида бузиши ва уни “америкаликларнинг жосуси” деб эълон этиб мансабидан улоқтириб ташлаши мумкин. Ҳозирча мирзиёевчилар Рустам Азимовга Ўзбекистоннинг Бош вазири лавозимини ваъда бериб турибди.

Эгаллаб турган лавозимидан яна МХХ раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов ҳам четлатилиши мумкин. У шу дамгача мамлакатнинг биринчи президенти Ислоҳ Каримовнинг оиласига садоқат билан хизмат қилиб келган. Уни ишдан олгач, мирзиёевчилар бу ёш генерал билан бирон кафе ё ресторанда эмас, балки ўзбек маҳсус хизматининг, дейлик, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Гвардия кўчасида жойлашган кўздан пана бирон ертўласида

“сухбат” куришади.

Бу ерда Шавкат Мирзиёевнинг “қора рўйхат”ини бир бошдан санаб чиқишга вақт йўқ. Қисқачаси, Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислоҳ Каримовга жону дили билан хизмат қилганларга айниқса қийин бўлади. Бошқача айтганда, мамлакат алғов-далғовли кунлар олдида турибди.

Шундай қилиб...

Хулоса

Ҳозирда, Ислоҳ Каримов ўлиmidан кейин, кўплар мамлакатнинг биринчи президенти Ўзбекистонда давлат машинаси тўхтовсиз-бир маромда ишлайдиган тизимни яратган деб айтипти. Бу каби фикрлар республикада кечаётган ҳодисаларга юзаки боқишдан туғилган.

Ўзбекистонда давлат машинаси ва жамият ҳаётига жуда унақа теран боқилмаганида ҳам кўзга яққол ташланадиган “ютук” шуки, Каримов фуқаролар ҳуқуқи ва эркиликларини бузиш, халқ норозиликларини бостириш ва сиёсий муҳолифларни йўқотиш борасидагина тўхтовсиз ва бир маромда ишлайдиган тизим яратиб кетди. Бу тизимни давлат машинасининг мураккаб тизими билан чалғитмаслик керак!

Жами 27 йиллик, мустақиллик шароитида 25 йиллик бошқаруви давомида Ислоҳ Каримов йирик давлатларнинг сиёсий йўлига тобе бўлмаган, Ўзбекистон сиёсий мустақиллигини таъминлашнинг оддий механизмларини ҳам барпо эта олмади. Тўғри, у мамлакат мустақиллиги тақдирига жуда қайғулар, мустақилликни кўз қорачиғидек асраш ҳақида кўп гапирар эди. Аммо бунда унинг тағ ташвиши президентликдан кетиб қолмаслик, нима қилиб бўлмасин ўз ҳокимиятини ўлгунича асраб қолиш бўлган. Натижада мамлакатда ҳокимият мустақил ички ва ташқи сиёсат юритишини таъминлайдиган тизимни кура олмади. Ислоҳ Каримовнинг сиёсий очқўзлиги орқасидан бугун Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллиги мамлакат президентининг шахсига ва шахсий манфаатларига қаттиқ боғлангандир.

Шундай бўлгани билан Ислоҳ Каримов Москва, Вашингтон ва Пекин орасида мувозанатни бирмунча сақлаб келди. Аммо бугун унинг ўрнига шундай киши келдики, у руҳий ҳам, фикрий

ҳам ва ҳатто оилавий иплар билан ҳам Кремл амалдорлари ва олигархларига ҳамда Ўзбекистон ичидаги жиноий тўдаларга қаттиқ боғлангандир.

Ислоҳ Каримов Ғафур Раҳимов ва Салим Абдувалиев каби кишилар учун уларнинг томоғида туриб қолган суяк эди. Каримов бу одамлардан ва маблағидан ўзининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланар эди. Шогирди Шавкат Мирзиёев бўлса, фавқулодда қатта ҳокимиятга келганига бир ҳафта тўлар-тўлмамай “устози”нинг душмани бўлган кишиларнинг манфаатларига хизмат кўрсата бошлади. Худди мана шу ерда мамлакат сиёсий курси давлат бошлиғининг шахсий манфаатларига боғланган бир тизим кўзга кўринади.

Қисқача айтганда, агар Ислоҳ Каримов Ўзбекистонда инсоннинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиб келган бўлса, Шавкат Мирзиёев фақат инсонларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари учунгина эмас, балки Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун хавфдир.

Ўзбекистонни севадиган ҳар қандай киши юрагида ўзбек миллатига муҳаббат бўлмаган бу жаллоднинг Ўзбекистонни бошқаришига кўнмайди, кўна олмайди деб ўйлаймиз.

Кейинги мақолаларимизда биз Шавкат Мирзиёев қандай қилиб ва кимларнинг ёрдами билан Ислоҳ Каримовнинг ишончига кириб олгани, ўзбекистонлик жиноий авторитетлардан қайси бири Шавкат Мирзиёевнинг қизларига умумий қиймати икки миллион доллар бўлган олмос (бриллиант) совға қилгани, Мирзиёевнинг қизлари қандай қилиб ва қаерларига бу олмосларни “тикиб” олишгани хусусларида батафсил хабар берамиз.

Яна биз қандай қилиб ва кимнинг ташаббуси билан Шавкат Мирзиёев Мавлон Умрзоқовни лавозимидан четлатишда иштирок этгани, Ўзбекистон республикаси Бош вазири лавозимига тайинланиши олдида қанақа шартлар қўйгани ҳақида ҳам ҳикоя қиламиз. Шунингдек, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳоким бўлиб ишлаб турганида кимларни ўз қўли билан ўлдирганини ҳам эслатамиз...

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос

2016 йил 25 сентябрь



2 октябр — журналист Муҳаммад Бекжон туғилган кун

«Эрк» газетаси муҳаррири бўлган Муҳаммад Бекжон ўн саккиз йилдан буён қамоқда.

Бугун 62 ёшини қаршилаётган Муҳаммад Бекжонни мен ўз қадрдон акамдай билардим, «Эрк» газетаси саҳифаларини тайёрлаш жараёнларида у билан дастлабки вақтлардан бирга ҳамкорлик қилганман.

Айни «қора меҳнат»нинг барчаси Муҳаммад аканинг зиммасида ва мен унга ёрдамчи эдим.

Бу даврда партия Марказий Кенгаши ва таҳририят Пушкин кўчасидан эски Куйбишев туман ижроқўми биносига кўчиб ўтган ва бинода «Эрк»нинг байроғи осиглиқ турарди.

Газета катта форматга ўтган, у давлат концерни босмасхонасида 100 минг нусхада босилар ва шу

муносабат билан таҳририятга «биздан анча тажрибалироқ» шахс бош бўлган эди.

Унинг қўлидан келадиган иш, «давлат цензураси»га тил топа билишида эди. Унгача на мен, на бошқалар ҳар бало қилиб кўрган, бироқ буни эпполмаган эдик.

Цензура олиб ташлаган жойларга «махсус белги» ташланиши ва Эзоп тилидаги ифодалардан фойдаланиш газетанинг ўша даврга хос хусусиятига айланганди.

Янги «бошлигимиз»нинг биринчи талаби, адашмасам, унга ва цензурага сўзсиз бўйсунуш, газетадаги «оқ доғлар» ва «тагдор» жумлаларни бас қилиш эди.

Ниҳоят бу газетадаги асосий «қора меҳнат»ни қилаётган мен Максуд ва Муҳаммад Бекжоннинг

«иш ташлаши» га сабаб бўлди. Тушликка чиқибок учовлон ишламасликка қарор бердик. Бу дегани ўша куни газета чикмаслигини англатарди

«Акциямиз жонлироқ кўринишда бўлсин», деди Муҳаммад Бекжон, унинг қўлида «Эрк»нинг байроғи хилпирарди.

Учовлон кўча бўйлаб юра бошладик. Олдинда байроқни хилпиратиб Муҳаммад Бекжон борар, изидан Муҳаммад аканинг укаси Максуд Бекжон ва мен...

Бу — 92 йилларнинг охирлари, талабалар шаҳарчасидаги қонли воқеалардан кейинги, муҳолифатга қарши қувғин ва ҳукумат режими кучая бошлаган давр эди. Офисга қайтишимиз биланок Муҳаммад Бекжон тагин ишга шўнғиди. Озроқ қайсарлик қилиб ўтириб, мен ҳам клавиатурани олиб таҳрирга киришдим.

Бу вақтда ҳамма «бошлиқлар» аллақачон ишини тамомлаб уйига кетган, бироқ қандай бўлмасин «Эрк» газетасининг навбатдаги сони чиқиши керак эди.

Кўпўтмай партиянинг фаолияти ва газетанинг мамлакатдаги очик фаолияти тўхтатилди. «Эрк» газетасига қарши жиноий иш очилди.

Муҳаммад Бекжон ва бир гуруҳ фаоллар мамлакат ташқарисидан туриб нашр фаолиятини қайта йўлга қўйишга ва газета сонларини мамлакат ичида тарқатишга муваффақ бўлишди.

Бироқ 1999 йили Муҳаммад Бекжон Украинада қўлга олинди ва озодликдан маҳрум этилди.

2012 йилнинг апрел ойида озод қилиниши керак Муҳаммад Бекжоннинг қамоқ ҳукми, ўша йили уйдирма айблар билан тагин қўшимча беш йилга узайтирилди.

Халқаро ташкилот вакиллари ва кўплаб дипломатларнинг уни озод қилиш талаблари ҳам ўзбек режимига таъсир ўтказгани йўқ.

Бизнинг дўстимиз, Ўзбекистонда сўз эркинлиги ва журналистика соҳасига юксак ҳисса қўшган ҳамкасбимиз Муҳаммад Бекжон ҳамон қамоқда қолмоқда.

Қудрат Бобожон
Манба: eltuz.com



2016 йилнинг 25 сентябр куни “Абу Сахий” буюм бозори офисига вақтинчалик Ўзбекистон президентлиги вази фасини бажараётган Шавкат Мирзиёевнинг куёви Ойбек Турсунов келган, ва бозорнинг амалдаги раҳбарияти билан суҳбат ўтказган, — дея хабар беради Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)нинг Тошкентдаги манбалари.

“Суҳбат давомида О. Турсунов “Абу Сахий” фаолиятининг умумий текширилиши бозор ҳудудида дўконларга эга ёки дўконларни ижарага олувчи тадбиркорлар ишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини айтган. Шунингдек Ойбек Турсунов маҳсулотларни давлат божисиз импорт ва экспорт қилиш билан

Мирзиёев “Абу Сахий” бозорини Лола Каримовадан олиб ўз куёвига бермоқда

шуғулланувчи “Абу Сахий-Карго” компанияси ўз фаолиятини аввалги режимда давом эттиришини таъкидлаган. Бундан ташқари у тез орада бозор тадбиркорларига баъзи энгилликлар ва афзалликлар берилишини, хусусан барча дўконлардан касса аппаратлари олиб ташланиши ва нақд пулни йиғиш бўйича режаларни бекор қилинишини баён қилган”,- дейди Тошкентдаги манба.

Уларнинг айтишича, вақтинчалик Ўзбекистон президентлиги вази фасини бажараётган Шавкат Мирзиёевнинг куёви “Абу Сахий” раҳбариятидан ушбу хабарни

тадбиркорларга етказишларини сўраган. “Абу Сахий” бошқарувчилари билан суҳбат давомида у ўзини, Ўзбекистоннинг биринчи президентининг кичик қизи Лола Каримова-Тиллаевага тегишли бўлган бозорнинг эгаси каби тутди”, — дея таъкидлайди Ойбек Турсунов ва буюм бозори раҳбарияти ўртасидаги бўлиб ўтган суҳбат гувоҳлари.

Шубҳасиз, Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ўлимидан сўнг қўли ечилган одам каби, ўз устози қизларининг мол-мулкларини тортиб олишни бошлади.

ЎХХ хабарлар бўлими



Ёруғ юз билан киргим келар Она Ватанга...

4 декабрдан кейин Ўзбекистоннинг мутлоқ ҳоқимига айланадиган Шавкат Мирзиёевни танқид қилишни ҳозирдан бошлаш керакми, ёки ҳозирча унинг ғашига теғмасдан, кўлимизни кўксимизга қўйиб туришимиз керакми?

8 сентябр куни у Конституцияни бузди. Буни жимгина ютиб кетдик.

Фуқаролик ҳақидаги қонунга ўзгартиришлар киритдики, буни ортидан ҳорижда бир неча йиллардан бери яшаб келаётган ўзбеклар олдиға ғалати тўсиқлар қўйилди. Бунисигаям сукут билан жавоб бердик.

Бундан кейин ҳам унинг яхши томонга ўзгаришини кутамиз деётганлар янглишади. Диктаторларни яхши, халқпарвар сиёсатчиға айлантириш — бу менимча амалға ошмайдиган иш.

Ватанға қайтиш учун, уни ҳозир қаттиқ танқид қилмай, «Яхшисини ошириб, ёмонини вақтинчалик яшириб», турганлар, Ватанға қайтиб

бориб ҳам Шавкат Мирзиёевни авра-асратини ағдара оладиган шахсға айлана оладиларми? Йўқ албатда. Улар эл қатори жимгина яшаб юришға маҳкум бўлишади. Шавкатға тик қараганлар эса, унинг биргина имоси билан, қаёққадир ғойиб бўлишади, ёки келган жойиға чиқариб юборилади.

Ж. Муҳаммад, «Шавкат Мирзиёевнинг юрагидаги аждаҳони уйғотиб юбормайлик» дейди.

Лекин унинг юрагидаги аждаҳо ухлагани йўқ. Шавкат ўз аждаҳосини тахтаг чикқунича кишанлаб қўйди холос.

Баъзилар айтдики, «Ватанғача етиб олишимиз керак ва бунинг учун стратег бўлишимиз керак»...

Стратегия, яъни мақсадға эришиш йўлида турли айланма йўлларни топиш, сиёсатчиларға хос. Мен эса оддий журналистман. Менинг стратегиям — вазиятни ёритишдаги Холислик ва Самимият.

Бутун бошли мамлакатни бошқариш, ўтмишда катта бир вилоятнинг иқтисодини синдириб, одамларни уриб, сўкиб, тепиб ишлатган одамни қўлиға қоляптими — уни билганлар жим турмаслиги керак ҳозир.

Албатда, менинг ҳам Ватанға қайтгим келади. Лекин, аждаҳони уйғотиб юбормаслик ва унга ем бўлмаслик учун оёқ учида юриб, шивирлаб, висирлаб эмас, дадил қадамлар ва ёруғ юз билан киргим келади Она Ватанға...

Улуғбек Ашур

Facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди

Диктатор ўлди, ўрниға бадтари келди, у билан ҳам «тил топишиб, уларни хафа қилмасдан» яшаб ўтиб кетаверамизми?...

Хаммамиз ҳам бир вақтлар Ўзбекистонда яшадик, ишладик. Каримов ҳукумати ва унинг амалдорлари билан баҳслашдик, тортишдик. У пайтлари мумкин эди улар билан полемикаға бориш. Чунки, хали «Андижон 2005» содир бўлмаганди.

Амалдорларға Конституция ва бошқа қонунлар мажмуасидаги бандларни эслатардик, риюя қилишларини талаб қилардик.

Биз ортиқча нарса сўрадикми? Йўқ. Каримов ҳукумати эса бизни фитначиға, хоинға, халқ душманиға чиқарди. Устимизға ўзининг милициясини, фохиша, алкаш ва «қулоқлар»дан тузиб олган командаларини отди.

Охир оқибат нима бўлди???

Биз Ватандан чиқиб кетдик.

Ватан эса, бор қонунларға амал қилмасдан, халқни бир тийингаям олмайдиған, кучли армия, милиция ва хар қандай ишға тайёр МХХға эға тўданинг қўлида қолди.

Диктатор ўлди. Урниға унданда мушти залворли бўлган бошқаси келди.

Шунча йил баҳслашдик, инсофға чақирдик уларни. Қулоқ солдиларми? Ўзгардиларми?

Бу ёғиға янги Диктатор ва уни янги командаси билан «тил топишиб, уларни хафа қилмасдан, аччиғини келтирмасдан, тортишиб, баҳслашиб» яшаб ўтиб кетаверамиз...

Улуғбек Ашур

Юз минглаб ўзбекистонликни фуқароликдан маҳрум қилиши мумкин бўлган қонун кучга кирди

24 сентябрдан бошлаб "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида" 1992 йили қабул қилинган қонунга киритилган янги ўзгартиш кучга кирди.

Унга кўра, қонуннинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилиши"га оид 21-моддасига "агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса", деган қўшимча киритилди.

Озодлик мухбири бу ўзгартиш ижроси қандай бўлишини аниқлаштириш мақсадида 26 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Европа ва Осиёдаги қатор консуллик бўлимларига мурожаат қилди.

Қонун кучга кирди, аммо йуриқнома ҳали йўқ

Озодлик суҳбатлашган ўзбек дипломатлари қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартиш 24 сентябрдан бошлаб кучга кирганига қарамай, ҳозирча қонуннинг ўзини ҳам, унинг ижросига оид қўлланмани ҳам Тошкентдан расман олмаганларини билдирдилар.

«Бир ҳафталардан кейин телефон қилсангиз, балки аниқ гап айтармиз. Ҳозирча ўзимиз ҳам ҳеч нарса билмаймиз», деб жавоб қилишди бир эмас, бир неча давлатдаги Ўзбекистон консуллиги ходимлари.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 24 йиллик қонуннинг 21-моддасига киритилган "агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса" Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши мумкин, деган қўшимчанинг қандай ижро этилишига оид саволларга Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги қошидаги «Фуқаролик» бўлими расмийлари ҳам аниқ жавоб бера олмадилар.

ТИВ: Ё Ўзбекистон, ёки хориж фуқаролигидан бирини танлайсиз энди!

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга изоҳ беришни сўраб, Озодлик мухбири Ўзбекистон фуқароси сифатида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) Консуллик бошқармасига мурожаат қилди. Бир қатор уринишлардан сўнг бу масалада «етақчи мутахассис» сифатида улаб берилган расмий гапни Ўзбекистон Конституцияси ва фуқаролик ҳақидаги қонунига кўра, чет давлат фуқаролигини олишнинг ноқонуний эканини таъкидлашдан бошлади.

«Биз (Ўзбекистон) иккинчи фуқароликни тан олмаймиз. Қонунга

кўра, сиз икки фуқароликдан биттасини танлашингиз, биридан воз кечишингиз керак – ё уни, ё буни. Бошқа давлат фуқаролигини олганингиз ҳақида бизга информация келса, сизни Ўзбекистон фуқаролигидан автоматик равишда маҳрум қиламиз», деди Ўзбекистон ТИВ Консуллик бошқармасининг ўзини таништирмаган мутахассиси.

«Ё ўз ихтиёрингиз билан айтасиз, ёки биз ўз қаналаримиз орқали аниқлаймиз»

Айни суҳбатдош таъкидича, қонуннинг 21-моддасига киритилган қўшимчага кўра, бундан буюғига Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқароларининг бошқа давлатлардан фуқаролик олган-олмаганини аниқлаш жараёнини бошлайди.

«Биз энди сиздан (Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш ҳақида ариза) талаб ҳам қилиб ўтирмаймиз. Бошқа давлат фуқаролигини олганингиз ҳақида бизга информация келса, сизни Ўзбекистон фуқаролигидан автоматик равишда маҳрум қиламиз. Бизга сизда бошқа фуқаролик борлиги ҳақида информация келиши билан, биз сизни комиссияга берамиз ва комиссия қарори билан сиз Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум этиласиз.

Ҳамма давлатларга бизнинг элчixonалар томонидан нота юборилди. «Агар Ўзбекистон фуқаролари сизнинг давлат фуқаролигини қабул қилган бўлса, бу ҳақда бизга хабар қилинсин», деган хат қилинган. Кўп давлатлар бунақа информацияни бермайди, чунки уларда шахсга оид маълумот ҳимояланган. Лекин кўп давлатларда шу одам бизнинг давлат фуқаролигини қабул қилди, деган маълумот берилади. Бу одамларни биз оламизда, бундан буюғига ўтратига (йўқотиш, фуқароликни йўқотиш — тахр.) қўйиб юборамиз», деди Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги мутахассиси.

Фуқароликдан маҳрум қилинган ўзбекистонликларнинг мол-мулкига нима бўлади?

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди», деган 10-моддаси ҳозирга қадар оддий ўзбекистонликлар томонидан чет давлат фуқаролигини олиш «ноқонуний эмас» деган мазмунда талқин этиб келинди. Оқибатда,

юз минглаб ўзбекистонлик Ўзбекистон фуқаролигидан воз кечмаган ҳолда, иккинчи давлат фуқаролигини олди. Масалан, расмий манбаларга кўра, биргина 2014 йили Россия фуқаролигини олган ўзбекистонликлар сони 50 мингдан кўпроқни ташкил этади.

Ақсарияти ўз тарихий ватанига эртами-кечми қайтиш ниятида иккинчи давлат фуқаролигини олган ўзбекистонликлар йиллар давомида Ўзбекистонга сармоя киритиб, кўчмас мулк сотиб олди, уй-жой қурди.

Агар иккинчи давлат фуқаролигининг мавжудлиги Ўзбекистон фуқаролигини автоматик тарзда йўқотиши англатса, икки фуқаролиги бор юз минглаб шахснинг Ўзбекистондаги мол-мулки, уй-жойи нима бўлади?

«Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилинишингиз билан, номингиздаги уй-жой, квартирангиздан автоматик тарзда маҳрум бўласиз. Бунақа ният бўлса (Ўзбекистонга қайтиш — тахр.), бошқа давлат фуқаролигини олмаслик керак эди! Бу нарсани олдинроқ ўйлаб кўриш керак эди, тўғриси», деди Ўзбекистон ТИВ Консуллик бошқармаси мутахассиси.

«Сайловлар ўтгунча, кутиб туринг!»

24 сентябрдан бошлаб янги тахрирда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддаси, унинг ижро ва оқибатлари ҳақида аниқ ва батафсил маълумот олиш учун Озодлик куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистоннинг хориждаги консулликлари билан боғланиш уринишларини давом эттирди.

Бу мавзудаги сўнги суҳбатдошлардан бири — Ўзбекистоннинг Осиё давлатларидаги консулликларидан бири ходими ҳам мазкур жараён ижросига оид аниқ йуриқнома йўқлигини айта туриб, суҳбатни қуйидагича якунлади.

«Бизга Тошкентдан ким шу масалада кўнғироқ қилса, «президент сайловларидан кейин боғланиб кўринг», деб жавоб беришни айтишди. Бошқа давлат фуқаролигини олганларнинг Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилиниш-қилинмаслиги фақат 4 декабрдан кейин аниқ бўлади. Сиз ҳам сайловлар ўтганидан кейин телефон қилинг, аниқ гап чиқиб қолар унғача», деди Ўзбекистоннинг хориждаги консуллиги расмийси.

Манба: «Озодлик» радиоси

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги расмий баёнот тарқатиб, пахта теримида болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш мамлакат қонунларига ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенциясига зид келишидан огоҳлантирган.

Аммо шунга қарамай Ўзбекистон ҳудудларида бюджет соҳаси вакиллари пахта теримига мажбурий жалб этиш жараёни давом этмоқда.

Меҳнат вазирлиги расмий сайтида 26 сентябрь кўни эълон қилинган баёнотда: «Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Мажбурий ёки бажарилиши шарт бўлган меҳнат тўғрисида» (№29) ва «Мажбурий меҳнатга барҳам бериш тўғрисида» (№105), «Ишга қабул қилишнинг минимал ёши тўғрисида» (№138) ва «Болалар меҳнатининг энг мудҳиш кўринишларига барҳам бериш ва тақиқлаш тўғрисида» (№182)ги конвенцияларини ратификация қилган. Айтиб ўтилган конвенцияларда белгиланган меъёрларга асосан миллий қонунчиликда 18 ёшга етмаганларни мажбурий меҳнатга ҳамда соғлиққа зарар етказувчи ишларга жалб қилиш тақиқланади», дейилади баёнотда.

Шунингдек, Меҳнат вазирлиги расмий сайтида жойлаштирилган плакатда ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари акс эттирилган.

Плакатда ҳар бир шахс «қўшимча шартларсиз теримдан бош тортишга ҳақли. Ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда ишонч телефонларига мурожаат қилинг», деган сўзлар ёзилган.

Плакат остига эса катта шрифтлар билан вазирликнинг ишонч телефонлари кўрсатилган. Бу плакат Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги ҳамда Қасаба уюшмалари ҳамкорлигида тайёрлангани қайд этилган.



Ўзбекистон ҳукуматининг навбатдаги кўзбўямачилиги

Бироқ Озодлик радиоси мухбирининг кўрсатилган ишонч телефонлари билан боғланиш ҳаракати самара бермади. Ўзбекистон қасаба уюшмалари ишонч телефонини ҳам ҳеч ким кўтаргани йўқ.

Ўзбекистонда пахта теримига мажбурий жалб қилиниш кўламини ўрганаётган тошкентлик ҳуқуқ фаоли Малоҳат Эшонқулова меҳнат вазирлиги томонидан берилган бу баёнотни «кўзбўямачилик» сифатида талқин қилади.

Унга кўра, ўтган йилги пахта мавсумида ҳам мана шундай баёнотлар берилган, аммо шунга қарамай бюджет соҳаси вакиллари пахта теримига мажбурий жалб этилган, уларнинг кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қила олувчи давлат ташкилоти бўлмаган.

Хьюман Райтс Уотч халқаро ташкилоти 2016 йил учун ёйинланган ҳисоботида «Ўзбекистон

ҳукумати томонидан катта ёшдагиларни пахта йиғим теримига мажбурий жалб қилиш кенг тарқалган кўриниш бўлиб қолмоқда», деб билдирган эди.

Бошқа халқаро ташкилотлар ҳам кўп йиллардан бери Ўзбекистон ҳукуматини пахта теримига одамларни мажбуран жалб қилаётганини танқид қилиб келади.

Жорий йилда ҳам Ўзбекистонда ватандошларни мажбурий тарзда пахта теримига олиб чиқиш анъанаси давом эттирилмоқда. Озодликка етиб келган хабарларга қараганда, Тошкент бозорларидаги савдогарларга 1 миллион сўмгача бўлган миқдорида «пахта солиғи» солинмоқда. Бундай солиқлар бир қатор мактаблар ва олийгоҳларда ҳам йиғилаётгани айтилмоқда.

Бош қароргоҳи Австралияда жойлашган Walk Free Foundation халқаро ташкилотининг 2016 йил июнида эълон қилинган «Глобал қуллик индекси» (Global Slavery Index) деб номланган ҳисоботида Ўзбекистон 167 давлат орасида бешинчи ўринга кўйилган эди. Ўзбекистоннинг «шармандали бешлик»дан жой олишига пахта теримида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш сабаб бўлган.

Ўзбекистон ҳукумати мажбурий меҳнат расмий сиёсат эканини инкор қилиб келади.

Тошкент расмийларининг билдиришича, фуқаролар ихтиёрий равишда хашар йўли билан пахта етиштириш ва теришга чиқади.

Бу билан улар гўёки ўз фуқаролик масъулиятларини бажаришга ҳаракат қиладилар.

УХХ хабарлар бўлими





МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ 200 ТА ХОДИМИНИ ИШДАН БЎШАТДИ

Вақтинча Ўзбекистон республикаси президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2016 йил 28 сентябр кунги буйруғи билан республика президенти хавфсизлик хизматининг 200 та ходимини ишдан бўшатди, — дея хабар бермоқда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)нинг мамлакатдаги манбалари.

Уларнинг айтишича, янги президент томонидан имзоланган ҳужжатда, ишдан бўшатилишларнинг расмий сабаби сифатида гўёки “президент хавфсизлик хизмати фаолиятини оптималлаштириш ва ходимлар сонини қисқартиришга бўлган эҳтиёж” дея кўрсатилган. “Аммо президент хавфсизлик хизматининг ишдан бўшатирилган ходимлари ва

қолаверса бошқа ишчилари ҳам бунга ишонилмапти. Президент хавфсизлик хизмати ходимларининг, Мирзиёев Каримовнинг тан соқчиларини ишдан бўшатиш билан ўзининг қўриқчиларига жой очаётганига ишончлари комил”,- дейди ЎХХнинг Тошкентдаги манбалари. Уларнинг фикрича, агарда МХХ раҳбари Рустам Иноятов бу ходимларни МХХнинг бошқа тузилмаларига ишга жойлаштирмаса, у ҳолда бўшатирилган 200 киши умуман ишсиз қолиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, сиёсатшунос Усмон Хақназаровнинг шу кунларда ЎХХнинг расмий сайтида эълон қилинган ўзининг “Ислом Каримовнинг “табиий” ўлими қандай уюштирилган эди” дея номланган мақоласида, вақтинча Ўзбекистон республикаси президенти Шавкат Мирзиёев, янги президентни қўриқлаш учун Москвадан 30 нафар Россия федерал хавфсизлик хизмати офицерлари келгани сабабли, М.Тохирий бошчилигидаги президент хавфсизлик хизматидан воз кечишга қарор қилгани ҳақида хабар берган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Марҳум президент Каримовнинг изсиз йўқолган катта қизи Гулнора Каримова руҳий касалликлар клиникасига жойлаштирилган бўлиши мумкин. Бу ҳақда ўз манбаларига таянган ҳолда марҳум президентни қўллаб-қувватлаш учун Facebook.com ижтимоий тармоғида ташкил қилинган «Здоровья Каримову» номли гуруҳ администратори хабар берган.

Унинг сўзларига кўра, тафсилотлар унга маълум эмас, бундан ташқари унинг ўғли Ислом Каримовда (президентнинг набираси) у билан алоқага чиқиш имконияти йўқ.

Ушбу гуруҳ администратори ҳали президент ўлими расман эълон қилинишидан аввал саҳифада суний қон айлантириш мосламаси ўчирилганини ва Каримовнинг жанозаси Самарқандда бўлиб ўтиши ҳақида хабар жойлаган эди. Бу эса унда ишонмаслик мумкин бўлган, аммо эътибор қаратишга арзийдиган ўз ишончли ахборот манбалари борлигини билдиради.

Эслатиб ўтамиз, дафн маросимидан олинган суратларга

кўра, Гулнора Каримова ўзининг сингли Лола Каримова-Тиллаевдан фарқли ўлароқ отаси билан видолашув маросимида иштирок этмади.

Гулнора Каримова жамоат назаридан 2013 йилда йўқолган эди. Оврўпада унга нисбатан



ГУЛНОРА КАРИМОВА РУҲИЙ КАСАЛХОНАДАМИ?

қатор коррупция жиноятлари учун жинойий ишлар очилгач у Ўзбекистонда норасмий уй хибсига жойлаштирилган. Шундай кейин у фаол равишда ўз оила аъзолари, шунингдек юқори лавозимли мансабдорлари ва Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари ҳақидаги маълумотларни ўзининг Твиттер-аккаунти орқали фош қила бошлаган эди. Каримовани интернетдан маҳрум қилиб, тўлиқ изоляция режимига ўтказгунга қадар, у кўплаб фош қилувчи маълумотларни тарқатишга

улгурди. Ўшандан буён у ҳақда аниқ бир хабар йўқ.

Каримованинг йирик коррупция операциялари бўйича шериклари бир неча суд жараёнлари давомида маҳкамага тортилиб узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинди. Улар ҳақиқатдан ҳам жазони ўтаяптими ёки йўқ – бу маълум эмас. Маҳкамага тортилганлардан бири Екатерина Ключевани айблов ҳукми чиқарилигандан сўнг шаҳарда кўришган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Сурхондарё вилоятида барча хусусий тадбиркорлар ўзи йўқ бўлган нақд пулни қаердан топишидан қатъий назар “нақд пул режаси”ни икки баробар қилиб банкга топшириш учун Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан кўчама кўча юриб мажбурланмоқда.

Топшира олмайман деган тадбиркорлар эса ёппасига тафтиш қилинмоқда.

Кеча, 22 сентябр куни вилоят ҳокимиятига барча дорихона эгалари чақирилиб йиғилиш ўтказилди, у ерда вилоят прокурори ва ҳокими, ҳамда структура ходимлари нақд пул режасини сунъий равишда “сен шунча, сен шунча пул топширасан” деб тадбиркорларга дўк қилинди.

Сурхондарё аҳолиси ичида ваҳима кўтарилган, “Сурхондарёга вақтинча президент вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёев 1-2 кунда келармуш”, дея, ҳамма жойларда тозала-тозала, гуллар экиш, супириш ва ҳаказо ишлар қилинмоқда.

Айтишларича Сурхондаре вилоят Ҳокими ва вилоят прокурори ишдан олинар экан. Шов-Шув

“Каримовдан қутилдик лекин ундан ҳам юз карра ёмон калла кесарига тутилдик”

катта бўляпти. Шавкат Мирзиёев Президент бўлишига Сурхондарё аҳолисининг кўпчилиги норози эканлигини йиғилишларда, давра суҳбатларида эшитиб боряпмиз.

Мирзиёев одамларни ва қонуларни менсимас эмиш. Оғзидан сўкиниш ва ғайриқонуний буйруқлардан бошқа гап чикмас экан. Агар кимки гап қайтарса ўшани уриб ўлдириб юборар ёки ИИБ орқали подвалга тикиб ўлгунича қийнаб, бошқа оғиз очмайдиган қилиб чала жон ҳолда уйига қўйиб юборар экан.

“Каримовдан қутилдик лекин ундан ҳам юз карра ёмон калла кесарига тутулдик”, деган миш-миш гаплар тарқалган. Энди Россияга йўл очилади, буни Путин президентлик лавозимига қўйиб

кетди, аста секин Россияга кўчиб кетамиз деб уйларини сотувга қўйишмоқда кўпчилик одамлар. Сўнгги кунларда Россияда полиция ҳам миграция хизмати ҳам одамларимизга кўча кўйда тегинмай қўйибди, депортация қилиш ҳам тўхтатилибди дейишяпти.

Шунингдек Сурхондарёга Россиядан махсус кучлар дивизияси Афғонистон билан чегарани кўриклашга келармуш деган миш-миш гаплар ҳам бъази бир одамлардан эшитаяпмиз. Бундан ташқари тадбиркорларни ҳаммаси Алишер Усмонов олиб келган қарголардан маҳсулот ва товарларни сотиб олиб Ўзбекистон ичида ва ташқарисида ҳам савдо қилар экан дейишяпти. Ноқонуний, божхона расмийлаштирувидан ўтмаган маҳсулотларни сотиш янада кучаяди, лекин ҳукумат ҳоҳлаган вақтида секин-аста бойиб кетаётган тадбиркорларни маҳсулотларини ноқонуний тортиб олиб, мусодара қилиниб кетаверади. Агар шунга кўнмаса қамаб юборилади.

ЎХХ таҳририятига келган мактуб

Қирғизистон Олий маҳкамаси Рашод Камолов ҳимоячиларининг аризасини кўриб чиққан

Жорий йилнинг 14 сентябрида Қирғизистон Олий маҳкамаси Рашод Камолов ҳимоячиларининг аризасини кўриб чиққан.

Ҳимоячиларга кўра, экстремизмда айбланиб 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган таниқли имом Рашод Камоловни қамалиши ортида Ўзбекистон турибди деган фикрлар ҳам йўқ эмас. «Биз ҳимоямиздаги инсон Рашод Камоловни айбсизлиги бўйича судга етарлича исботлар берганимизга қарамасдан, ҳакам Уш вилоят суди қарорини кучида қолдирди, яъни уни айбдор деб топди ва 10 йилга ҳукм этди» — дейди имомнинг ҳимоячиларидан бири Ҳусанбой Солиев Би-би-сига.

Унинг сўзларига кўра, қуйи инстанция суд жараёнларида Рашод Камоловнинг ҳалифалик ҳақида айтганларини таҳлил қилиб, унга баҳо берган ва қанчалик жиҳодга даъват этилганини ўрганиб чиққан мустақил мутахассисларнинг кўрсатма беришларига рухсат этмаган. Қирғизистон қонунчилигига биноан, Олий маҳкама қарори якуний ҳисобланади. Унга нисбатан норозилик шикоят билан идораларга арз қилишга йўл берилмади. Фақат иш бўйича янги жиҳатлар пайдо бўлган вазиятдагина қайта кўриб

чиқилиши мумкин.

Утган йилнинг 9 февралда жиҳодга даъват этганлик ва Суриядаги жангларга одамларни жўнатганликда гумонланиб қўлга олинган Қорасув шаҳридаги «Ас-Сарахсий» масжиди имоми Рашод Камоловни, Қорасув туман суди айбдор деб топган ва унга 5 йиллик қамоқ жазосини тайинлаган эди.

Сўнгра 2015 йилнинг 24 ноябрида шикоят аризаси орқасидан ишни қайта кўрган Уш вилоят маҳкамаси Рашод Камоловни «Динлараро низони кўзғаш» ва «Таъқиқланган экстремистик маълумотларни тарқатганликда» айбдор деб топиб, 10 йиллик қамоқ жазоси беришга қарор қилган. Узининг маърузаларида бугунги кундаги долзарб масалалар юзасидан ислом асосларига таянган ҳолда масжидга келган намозхонларга тушунча бериб келган ва вилоят миқёсида мавжуд муаммолар юзасидан очиқ гапирадиган кам сонли имомлардан ҳисобланган Рашод Камолов узига қўйилган айбловларни барчасини қатъиян рад этиб келади.

«Мени қамалишим ортида бизни диёрларда ҳам ҳозирги кунда давом этаётган Суриядаги жанглар каби мусулмонлар ўртасида урушни келтириб чиқаришга манфаатдор

кучлар турибди деб ўйлайман» — деб айтган эди Рашод Камолов суд жараёнларининг бирида Би-би-сига.

Айнан қайси кучлар эканини аниқ айта олмаслигини гапирган собиқ имом, қамалишидан ярим йил аввал Ўзбекистондан уни ўлдириш учун келган Азиз исмли шахсни маҳаллий одамлар тарафидан қўлга олиниб, милицияга ўтказиб берилганини ва бир нечта оғир моддалар билан айбланиб 17 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилганини қўшимча қилади. Кейинчалик эса бу шахс тушунарсиз ҳолатда қамоқдан озод этилиб Ўзбекистонга ўтиб кетган.

2006 йилнинг август ойида Рашод Камоловнинг отаси Мухаммад Рофиқ Камолов Уш шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон махсус хизматлари биргаликда ўтказган махсус амалиёт пайтида мошина ичида отиб ўлдирилган эди.

Кузатувчилар Қирғизистон жанубидаги мусулмонлар орасида ўз обрўсига эга бўлган имом Рашод Камоловнинг қамалиши, унинг жамоаси ва маҳаллий аҳоли орасида давлатга нисбатан нафрат ва норозилик ҳиссиётини пайдо бўлишига олиб келишидан хавотир билдирадилар.

Манба: bbc.com/uzbek

Ўзбекистон ҳукумати мамлакат пахта саноатида болалар меҳнатига барҳам берилганини таъкидлаб келади

Ўзбекистоннинг бир қанча вилоят ва туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистонда бу йил 18 ёшга етмаган болалар пахтага чиқарилганини eltuz.com ўз манбалари орқали тасдиқлади.

Бизга етиб келган маълумотларга кўра, вилоят ва туман коллежларида ўқувчиларнинг ётоқда қолиб пахта теришлари учун пахта штаблари ташкил этилган.

Гарчи, мамлакат далаларида мониторинг ўтказган Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари, «2015 йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнатидан ёки мажбурий меҳнатдан фойдаланилганига далиллар топишмаган»ини ўз ҳисоботларида эълон қилишган эди.

Шунингдек, расмий Тошкент ва Халқаро ташкилотлар кейинги уч йил давомида Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқарилишида болалар меҳнатидан фойдаланиш барҳам топганини таъкидлаб келишади.

Бунинг натижаси ўларок, 2015 йилнинг бошида, Жаҳон банки Ўзбекистонга қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, модернизация ва диверсификация қилишга йўналтирилган лойиҳалар учун \$ 500 миллион сўмлик кредит берилишини тасдиқлади.

Бироқ, бу йил ҳам пахта теримида 18 ёшга тўлмаган болаларнинг жалб этилганига оид очикланган ҳолатлар, ҳақиқатан ҳам ўзбек пахта саноатида болалар меҳнатига чек қўйилгани ҳақидаги иддаоларни савол остида қолдиради.

Хусусан, eltuz.com ўтказган суриштирув натижасида Фарғона водийсининг Бувайда тумани,



Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Эллиққалъа ва Беруний туманларида айни аҳвол кузатилган.

«Далаларда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларни кўриш мумкин»

Тўрткўл туманидаги манба билан боғланган



Ўзбекистонда бу йил ҳам болалар пахтага ҳайдалди

eltuz.com мухбири далаларда пахта тараётган талаба ва ўқувчиларнинг деярли ярми 18 ёшга тўлмаган болалар эканини айтади.

«Масалан Тўрткўл туманидаги 44-мактаб муаллимлари болаларга уйингиздан одам чиқиб мен учун пахта териб берсин деган буйруқни ҳам берар экан», дейди манба.

У мамлакатда катталар пахтага оммавий сафарбар этиларкан, мактаб ўқувчилари ўқитувчиларининг бу талабини ўзлари бажаришга мажбур бўлишларини айтади.

Қ о р а қ а л п о ғ и с т о н н и н г Эллиққалъа туманида эса, айрим қишлоқ мактаб болалари тўғридан тўғри директорларнинг буйруғи билан пахтага чиқарилган.

Мисол учун, Ақчакўлтуманидаги 17-мактабнинг 8-9-синфлари 3-4 дарс ўқитилиб, ёппасига пахтага олиб кетилмоқда.

«Далада 7 ёшдан 18 гача болаларни кўриш мумкин. Кўпчилик ёш болалар онасининг ёнида пахта теришга чиқишга мажбур»

Мисол тариқасида у ёш болалик оналарнинг мажбуран далага чиқарилганига оид мисоллар келтиради.

Коллежларнинг биринчи курс талабалари ҳам пахтага чиқарилди

30 сентябр куни Фарғона вилояти коллежларининг биринчи курс талабалари ҳам пахтага жўнатилди. Бир ҳафта илгари коллежларнинг 2-3-курс ўқувчилари пахта теримида ҳайдалган эди.

«Бизнинг коллежда фақат 2-3-курс талабалари пахтага чиқарилди, — деди Қўқон тиббиёт коллежи ўқувчиларидан бири eltuz.com мухбирига.

Унинг сўзларига кўра, ҳали уларни ётоққа жўнатишмаган, бироқ ҳар куни пахта теришга олиб

чиқилмоқда.

«Ҳар куни коллежга келаяпмиз ва бизни «Отайўл» автобусларида Данғара туманига пахта теримида олиб боришяпти», дейди у.

Улар эрталаб пахтага олиб кетиб, соат кечки 5-6 ларда яна коллежга қайтиб олиб келиб кўйишаётганини айтишади.

«Уйимизгача ўзимиз йўлкира қилиб етиб олаяпмиз. Қунига 30 кг. норма белгилашган. Мен бугун 15 кг. тердим. Чунки шаҳарда туғилиб, ўсганман, пахта теришни билмайман», дейди бу йил Тиббиёт коллежнинг биринчи курсига талаба қиз.

У шунингдек, қишлоқлик курсдошлари нормани 30-35 килограммга етказишаётганини айтади.

На ота оналар, на педагоглар болаларни мажбурий меҳнатдан химоя қилиш ҳақида ўйлашмаяпти

Бу йил коллежларга қабул қилинган 1-курс ўқувчиларининг ёши аксарият 16 да, улар 2000 йил туғилган болалардир.

Уларнинг пахтага сафарбар этилиши билан 18 ёшгача бўлган болаларни пахтага жалб этмаслик тўғрисидаги ҳукумат қарори ва бу юзадан қабул қилинган халқаро конвенцияларнинг аллақачон бузилганини аниқлади.

Бувайда қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиларидан бири ҳам коллежнинг барча ўқувчилари пахтага сафарбар этилганини тасдиқлади. Унинг сўзларига кўра, коллежнинг ўзида ўқувчиларнинг ётиб қолиши учун штаб ташкил этилган. Биринчи ва учинчи курсгача бўлган ўқувчилар шу ерда қолаяпти. «Эрта билан микроавтобусларида уларни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

чўл зонасига олиб бораёпмиз. Ўқувчиларга 30 кг. норма белгиланган», дейди Қурилиш коллежи муаллими.

Eltuz.com мухбири билан суҳбатлашган Бағдод, Учкўприк, Риштон, Қўштепа туманидаги манбалар ҳам коллежларнинг барча талабалари пахтага сафарбар

этилганини тасдиқламоқда.

Уларнинг аниқлашича, айрим ота-оналаргина болаларнинг пахта даласига жўнатилишига қаршилик қила олади, кўпчилик эса ўз ҳуқуқларини мутлақо билишмайди.

Қасаба уюшмалари федерациясининг ишонч телефони борлигини ҳам кўпчилик билмайди ёки бу телефон рақами уларнинг

муаммосини ҳал қилишга ҳеч қачон ёрдам бермаганини айтишади.

Қасаба уюшмалари федерацияси ҳеч қачон, одамлар ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган реал институт бўлмагани ҳолда, мажбурий пахта теримига жалб этилаётган ўзбек болалари ҳуқуқларини реал ҳимоя қиладиган ташкилот ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда йўқ.

Манба: *Eltuz.com*

“Европейский гуруҳ” деган бачкана сўз бирикмасини эшитган бўлсангиз керак. Аслида бу тушунча ҳам эмас, балки бўм-бўш ёнғокдай бир атама, унинг юзаси – русийзабон таълим, ичи, маъноси эса бўм-бўш, яъни номаълум.

Ҳа, айрим содда ватандошларимизнинг рус синфларга, рус мактабларига қарашларини ҳосил қиладиган мантиқни



РУСИЙЗАБОН ТАЪЛИМ ҲАҚИДА

ана шундай ёнғокқа ўхшатиш мумкин: фақат “зўр”, “замонавий” туйилаётган, аслида эса сохта ва бачкана ном, моҳияти эса – бўшлиқ, номаълум. “Оддий ҳаёлпарастлик, соддалик, майли-ю”, — дегимиз келар, лекин ўртада бутун насл турибди – ўша “соддалик” қурбони бўлиши мумкин бўлган насл...

Албатта, рус мактабларига ва синфларига қарши эмасман. Бугун ҳамма рус мактабларини ёпиб ташласангиз, “Ҳар ким ўз тилида таълим олишга ҳақли”, — дейдиганлардан кўплаб топилар. Ва улар мутлақо ҳақ бўладилар! Чунончи, бугунги кунда болаларини рус мактабларига бераётган оилаларнинг аксариятида ўзбек тилида гаплашилади, яъни уларнинг она тили ўзбек тилидир!

Хўш, унда нимага улар Ўзбекистонда яшаб туриб, болаларини она сути билан сингиган тилда ўқитишга барча имкониятлар бўла туриб, бизга бегона рус тилидаги таълимни афзал кўришади?

Бу саволга жавоб бериш учун одамларнинг онгига ўрнашиб олган бир қанча стереотиплар ва уларнинг пайдо бўлиш сабабларини кўриб чиқишимиз лозим. Биринчи стереотип мен мақола бошида зикр этган бачкана атама билан боғлиқ — “Европейский гуруҳ”. Агар ўзбек тилига ёт бўлган “ск” суффикси ва “ий” қўшимчасини олиб ташлаб, сўзни тузук

кўринишга келтирсак, “европача гуруҳ” бўлади. Содда одамларнинг наздида, рус синфда ўқиган ўзбек маданиятли, тартибсевар, интизомли, хушмуомила – ғирт “овруполик” бўлиб қолади. Нақадар янглиш фикр! Ваҳоланки, рус мактабларида ҳеч қанақа оврупача қадриятлар сингдирилмайди, балки жажжи ўзбеклар руспарастлик ва рус маданиятининг устуворлиги руҳида тарбияланади. Оврупо ва рус шовинизми – бир бирига зид нарсалар, буни англаш учун охиригича йилда юз берган воқеаларга назар ташлаш тартибли. Рус синфларда ўқийдиган болаларнинг хулқи эса она тилида ўқийдиганлардан фарқ қилмайди – тарбиянинг пойдевори уйда, оилада солинади ва мактаб қанчалик ўқувчини тарбияшга уринмасин, унинг асосий вазифаси – билим бериш.

Иккинчи миф эса Ўзбекистонда таълим тизими издан чиққанлигини жуда яхши биладиган ва рус мактабда ўзига нажот топмоқчи бўлганларнинг миясида бор бўлса, ажаб эмас: рус синфларда яхшироқ ўқитади. Республикамининг баъзи (ҳама эмас, баъзи!) мактабларида шундай бўлиши мумкин, совет давридан қолган, малакали, тажрибали, ишига маъсулият билан ёндошадиган кадрлар эвазига. Лекин бунинг ҳам манфий тарафи борки, бунақа кадрларни эски ҳарбий техникага қиёслаш мумки: ишлатишга яроқли, амалиётларда

қўлласа бўлади, лекин ҳозирги чикқан янги русумли ускунаю қурол-яроқ олдида ҳеч нарса эмас! Ўқитувчилар ҳам малакаси билан бирга совет замонидан эскирган зехниятни ўзи билан тортиб келмоқдалар ва уни ёш авлод билан улашишяпти. Бу жуда салбий ҳолат.

Учинчи миф: рус тили керак эмиш. Ҳа, Россияда бировларга қул бўлиб юриш учун керак, аммо

Ўзбекистонда ўзбек тили керакдир!

Хўп, шу стереотиплар кўринишидаги уруғларни экиб, дарахтимизни ўстирдик, дейлик. Унинг мевалари қандай бўлади? Шохлари қай томонга қарайди? Бунга жавоб оддий. Ўзбекистонда рус тилида ўқиган не қилсин? Ёки “қорли диёр”га бориб, умрини у билан боғлайди, ёки Ўзбекистонда қолиб, бутун умр ер билан осмон ўртасида осилгандай ҳолатда бўлади (ўз юртингда миллийлигини йўқотишдан дахшатлироқ нарса борми?). Боши берк кўчадан бораётганини тушуниб, вақтида тўғри йўлга ўтганлар ҳам топилади (бу ҳолат шахсан менда юз бердигани).

Хуллас, “бағрикенглик” ниқоби остида ўзимизни, маданиятимизни, тилимизни камситишни, ерга уришни тўхтатишимиз керак.

Ҳа, биз бағрикенг халқмиз, лекин бошқалар ҳам бизга бағрикенг бўлсин. Миллатимизга нисбатан беписанд назар, аввалам бор, ўзимиздан чиқади, ўзимизни ҳурмат қилмаслигимиздан. Шунинг учун университетлардаги рус бўлимларга кириш имтиҳонларининг ўтиш балларини пастроқ қилиш каби ахлоқона ва мантиқсиз “имтиёзлар”дан, ҳамда бошқа шунга ўхшаш “мантиқсизликлар”дан воз кечиш куннинг долзарб масаласидир.

Алпарслон Эркчи

Урилганлар саҳнага қайтишмоқдами?

Ўзбекистонлик шоир Муҳаммад Исмойил ижтимоий тармоқда Каримов даврида тақикқа учраган санъаткорларнинг саҳнага қайтаётгани ҳақида ёзди

«Санъатимиз кироли Шерали Жўраев, Ўзбекистон Халқ артисти Юлдузхоним Усмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дўстимиз Обиджон Асомовлар яна катта саҳналаримизга қайтишаётган эканлар» дея изоҳлайди, кейинги пайтларда Шавкат Мирзиёевни мадҳ қилишга бел боғлаган шоир Муҳаммад Исмойил.

Бирок, бу «кирол ва кироличалар» катта саҳнага қаердан қайтишаётгани, шу пайтгача қаерда бўлишгани, нима учун катта саҳнадан четлаштирилганига шоир изоҳ берайди.

Ундан илгари Юлдуз Усмонова катта саҳнага чиқишдан умидворлигини айтиб,

Каримовнинг шогирдлари бўлган, ҳокимият тепасига келаётган амалдорлар тарафида бўлишини билдирган эди.

Қизикчи Обид Асомов эса ҳатто фильмлардаги титрлар ва у акс этган тасвирларнинг олиб ташланганини айтиб, «Ўзим борман, башарам эса йўқ!» дея нолинган эди.

Айни Каримов даврида бир қанча артистларнинг лицензиядан маҳрум қилингани, айрим санъаткорларнинг ҳатто мамлакатни тарк этишга мажбур бўлгани ҳақида хабарлар пайдо бўлган эди. Саҳнага қайтиш муждасини олганлар қаторида илгари норасмий тақикда бўлган таниқли артистлар Ортиқ Отажонов ва Бобомурод Ҳамдамовлар ҳам борлиги иддао қилинмоқда.

Фаррух Зокиров, Севара Назархон, Шахзода Матчоновна, Шоҳрух рэп, Феруза Жуманиёзова, Отабек Мадраҳимов, Озода

Нурсаидова, Фаррух Соипов каби санъаткорларга қўйилган тақик сабаблари ҳам у ёки бу давлат мулозимларига бориб тақалади.

Ўтган йили машҳур ўзбек хонандаси Абдулазиз Карим мамлакатни тарк этиб Туркия ватандошлигини олган эди.

Бошқа томондан, 23 сентябр куни моливий пирамида яратганларга қарши қонунни имзолаган Шавкат Мирзиёевнинг масалан нима сабабдан айни пирамидага пул тиккани шов-шув бўлган Обид Асомов ёки Шерали Жўраевга яшил чирок кўрсатиши мумкинлиги ҳам биз учун қоронғу.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек санъаткорларга айниқса қизикчиларга тоқати йўқлигини ҳам айтишади, агар «Болалар»ни айтмаса, у Россиянинг «Ласковый май» ва Беларусдаги «Песняры» гуруҳининг «Вологда» кўшиқларини кўпроқ севаркан.

Рассом Адолат
Манба: Eltuz.com

Мирзиёевнинг кадрлар сиёсати фонида Ғафур Раҳимов номи Ўзбекистон Интерполи қидирувидан олиб ташланди 15 сентябр куни халқаро криминал авторитет Ғафур Раҳимов Ўзбекистон Интерполи қидирувидаги шахслар рўйхатидан сирли тарзда олиб ташланди, айни пайтда халқаро жинойтчилар рўйхатида унинг номи ҳозир ҳам сақланмоқда. Баъзи норасмий маълумотларга кўра, АҚШ молия вазирлиги тарафидан гиёҳвандлик трафики дарғаси дея шарафланган

Ғафур Раҳимов Мирзиёевнинг ҳазинабонига айландими?

Ғафур Раҳимов Тошкентга келган.

«Постсовет фуқароларидан ташкил топган «Биродарлик халқаси» (Братва) даги белгиланган шахс бўлган Ғафур Раҳимов ўзбек уюшган жинойт олами етакчиларидан бири ва у Марказий Осиёда наркотик моддалар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган. Раҳимов дунёнинг йирик наркосиндикатларида героин контрабандаси билан боғлиқ операцияларда қатнашиб келмоқда», дейилади АҚШ Молия вазирлиги ўз расмий сайтыда эълон қилган ҳужжат матнида. Ғафур Раҳимов ўзбек интерполи қидируви тамғасидан Каримов вафоти ва россиялик олигарх Алишер Усмоновнинг қудаси бўлмиш Шавкат Мирзиёев келиши шарофати билан қутилди. Eltuz.comнинг сатира рукнида бугун рассом Адолат жинойтчилик дунёсининг Ўзбекистон ҳокимиятига тармоқ ёзаётганини акс эттиради.

Рассом Адолат

Кока кола ичимлиги келтириб чиқарадиган безовталиқ ва касалликлар

Бунгунги кунда дунё бўйлаб миллиардлаб инсонлар Кока кола ичимлигига ҳаддан ташқари қарам бўлиб қолмоқда. Хўш, тадқиқотчилар Кола ва шу каби ичимликларнинг ўзига қарам қилиши ҳақида нималар дедилар ва нималарга аниқлик киритдилар, зарарли томонлари нимада ва зарарсиз тарафлари нима эканлигига барчамиз бир эътибор қаратайлик.

Коланинг инсонларга зарарли томонлари нимада ва таркибида қандай моддалар бор

Кўплаб манбаларда кўрсатилгани каби аввало туғилишнинг олдини олиш учун қисирлик дориси сифатида дорихоналарда сотила бошлаган ва кейинчалик ичимликка айланган Кока Коланинг ўхшаш иддаолар билан бир неча ўхшаш хабарларни топиш мумкин. Ичганда таъмига тўймайдиган газли ичимликлар аслида кўплаб касалликларга йўл очади. Машҳур ёзувчи Карен Хилл, «Етар! Ортиқ парҳез қилишни истамайман» номли китобида бу ичимликлар оқибатида келиб чиқадиган 12 касалликни тушунтирган.

Карен Хилл инсонларнинг Колага бўлган мойилликларини

таъкидлаб, баъзилар кунда деярли бир-икки литр сув ўрнига Кола ичадилар. Аввало Кола кўрқинчли бир қарамликка олиб келувчи ичимликдир. Ундан қутулиш гиёҳвандликдан қутулиш каби оғирдир. Инсонларнинг Колани ташлашда кўп қийналишларини таъкидлаган Хилл, ташлашга қарор қилган илк кунда кўрқинч, мигрен оғриқлари, титрашлар, асабийлик ва уйқусизликни бошдан кечирадилар.

Фақат икки кун ўтгандан кейин бомба каби бўладилар, дейди.

Бу эса Колани ташлаш учун жиддий сабаб бўла оладиган 12 касаллик рўйхати...

1. Ортиқча вазн ва ёғ йиғиш
 2. Жигарга етказиладиган зарар
 3. Тишларнинг чириши
 4. Буйрак тошлари ва сурункали буйрак касалликлари
 5. Жигилдон қайнаши
 6. Суяк эриши
 7. Гипертония
 8. Юрак касалликлари
 9. Овқат ҳазм қилишнинг бузилиши
 10. Алцгеймер (хотирани йўқотиш)
 11. Саратон касаллиги
 12. Қандли диабет касаллиги
- ЎХХ хабарлар бўлими

Россия миграция қонунларини бузган муҳожирилари депортация қилишни вақтинча тўхтатган

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Россия миграция қонунларини бузган муҳожирилари депортация қилишни вақтинча тўхтатган. Рус оммавий ахборот воситаларининг айтишича бунга, Россия Ички ишлар вазирлигида хориж ватандошларини бадарга қилиш ва ҳужжат расмийлаштиришга маблағ етмаётгани сабаб бўлмоқда.

Россия полицияси миграция қондаларини бузган меҳнат муҳожирилари мамлакатдан чиқариб юборишга пул етишмаётгани сабабли уларни депортация қилишни вақтинчалик тўхтатган.

Миграция мутахассислари Россия Ички ишларидаги молиявий муаммоларни Федерал миграция хизматининг тугатилиши ва унинг ваколатларини полициянинг миграция департаменти таркибига ўтказилиши билан боғламоқда.

2016 йил апрелида ноқонуний муҳожирилари депортация марказларида сақлаш, кўриқлаш ва мамлакатдан чиқариб юбориш

вазифалари полицияга юклатилган эди.

Федерал ахборотлар агентлиги хабарига кўра, ҳукумат депортацияга ажратиладиган маблағларни бюджетдан ажратиш юзасидан 2015 йилда қарор чиқарган бўлса-да, уни бажариш масаласига келганда пул етишмовчилиги сезилмоқда.

Ҳозирга келиб Россиянинг деярли барча минтақаларида фаолият юритаётган Хорижликларни сақлаш депортация марказлари мигрантларга тўлиб тошган.

Суд приставлари ва полиция нафақат ушланган муҳожирилари депортация қилишга, балки талабнома ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришга пул етишмаётганидан шикоят қилмоқда.

Қонунчиликка кўра, Россия миграция тартибини бузганликда айбланиб тутилган битта ўзбек муҳожири дастлаб полицияда ҳужжатлаштирилади, ортидан муҳожири судга келтирилади ва сўнгра суд қарори чиқарилади.

Суд қарорини олган шахс хорижликларни сақлаш марказига юборилиб, у ердан уни шахсини тасдиқлаш ва ўз юртига юбориш учун Ўзбекистон элчихонасига сўровнома юборилади.

Мисол учун, Федерал ахборотлар агентлиги келтирган маълумотларга кўра, 170 кишига мўлжалланган Санкт-Петербургдаги депортация лагеридан 240 мигрант ушлаб турилибди.

Аниқланишича, бу марказдаги маҳбусларнинг асосий қисмини Ўзбекистон ва Тожикистон ватандошлари ташкил этади.

Ҳозиргача Россия Ички ишлар вазирлигида мамлакат бўйлаб жойлашган ўнлаб Хорижликларни сақлаш марказларини кўриқлашга хусусий кўриқлаш фирмаларини (ЧОП) жалб қилишга маблағ бўлган, холос.

Бирок, полиция раҳбариятига кўра, хусусий кўриқчилар иш бошлаши ортидан депортация лагерларидан муҳожирилари қочиши ҳолатлари кўпайган.

ЎХХ хабарлар бўлими



президент кизик бир гап қилди:

«2016 йили Тошкент — Андижон поезд йўлини ишга туширамиз ва ҳаммамиз биргаликда биринчи рейсда Анжанга келамиз!» деди.

Айёр чол бу

Юртбошилари «Худо хоҳласа» демаганига ҳам қарамадилар. Чапак чалавердилар, чалавердилар.

Подшо мамнун бўлди. Анжанликлар мени кечирди, деб ўйлади. Баҳонада умрининг охиригача юртга бош бўлиб юриш нияти борлигини ҳам айтиб олди! Зўр бўлди-да лекин!

Дарҳақиқат, 2015 йилги сайловга номзоди қўйилди. Одатдагидек яна ютиди!

Аммо иккинчи ваъда...

«Худо хоҳласа» демаган шекилли, Тошкент — Андижон поездининг биринчи рейсига анжанликлар билан бирга ўтириш насиб этмади!

Поезд доvon оша Андижонга 2016 йил 27 август куни подшосиз кетди!

2016 йил 27 август куни кечаси Ислоm Каримов миясига қон қуйилиб... Андижонга эмас, охираат сафарига йўлга чикди...

Такдирнинг хикматига қаранг!

Муаллифнинг facebook.com ижтимоий тармоғидаги саҳифасидан олинди

«Худо хоҳласа» демаган шекилли

Отамурод Раҳмон

2005 йил 13 май Андижон қирғинидан кейин Ислоm Каримов узоқ вақт Андижонга боролмай юрди. Халқнинг кўзига қандай крайди ахир!

Ниҳоят 2013 йил баҳорида бир баҳона қилиб борди. Олдинги сайлов бўйича президентлик муддати тугаб бораётган йил эди.

Майлисада қалтис савол бериб жаноби олийларини ноқулай аҳволга солиб қўймайдиганларни саралаб йиғилиш ўтказди. Эсларингда бўлса, ўшанда

гап билан бир йўла икки куённи урди: 1. Андижон қирғинидан кейин «озгина хапа бўпкоган» анжанликларни кўнглини олмоқчи бўлди. 2. 2015 йилги сайловга ҳам номзодини қўйишини ва «сайлов»да албатта ютиб чиқишини бутун республикага билдирди.

Қойилмисизлар?!

Энди бу ёғини эшитинг.

Ўшанда содда анжанликлар (ҳарҳолда саралаб майлисага киритилганлари) анжандўппилари бошларида қийшайиб қолгунича қулочкашлаб чапак чалдилар.

Бошланганига икки ҳафта бўлган пахта теримига мажбурий сафарбарлик ҳамма жойда давом этмоқда ва борган сари аёвсиз тус олмақда

Қишлоқ хўжалигидан йироқ турли касбдаги одамлар, нафақат ўз оиласи ва ишини ташлаб далага чиқиши, балки бу ҳақда гапирмасликлари, шикоят қилмасликлари ва тер тўкиб ишлашлари лозим. Ялқовлик ва пахта тера олмаслик, шунингдек пахтадан қолганлик пулини тўламаслик, ишдан ёки ўқишдан ҳайдалишга сабаб бўлиши мумкин.

«Мен 2016 йил пахта йиғим теримида мунтазам қатнашишга, кунига 80 килограммдан пахта теришга, ва пахта мавсумида белгиланган тартиб қодалара тўлиқ амал қилишга кафолат бераман. Юқоридаги шартларни бажармасам, талабалар сафидан кетишга розиман»

Бу Самарқанд Давлат Университети талабасининг, 2016 йил 9 сентябр куни декан ва доцент Ш.У. Умидуллаев номига ёзган тилхатидир. Ўзбекистонда пахта терими авжга чиққан шу кунларда, бу каби тилхат ва кафолат хатлари талабалардан ва турли давлат муассасалари ходимларидан йиғиб олинмоқда. Токи бу эркин теримчилар, агар ишдан ёки ўқишдан ҳайдалишса, биринчи гада ўзлари айбдор бўлишларини билиб қўйишсин.

Бу видеотасвирларда Қўқон шаҳар поликлиникасининг катта ҳамшираси Алия Мадалиева поликлиника ходимасига мажбурият-хатини ёздирмоқда. Унинг ёнида, бош эгиб, бўйсунганча, унинг гапларини қоғозга туширмоқда: «Агар мен кунига 50 килограммдан пахта термасам, кўнгилли равишда ишдан кетиш ҳақида ариза ёзаман. Ўз кўлим билан ёздим».

«Ўша кунёқ ишдан кетасан», дейди у қаҳр билан, кўли остидаги ишёқмас ходимаси кўлидан, интизом ва астойдил ишлаш кафолати билдирилган хатни оларкан. Ўзбекистонга зарур бўлган стратегик ҳом ашё, оддий одамларнинг ахлоқий хўрлиги ва моддий зиёни эвазига бўлса ҳам териб давлатга топширилиши керак.

Сўнгги бир неча йил давомида ўзбек мулозимлари, куз келиши билан талабалар ва турли касб эгаларининг пахтага чиқишларини инкор этишмайди, бироқ, уларнинг

сценариясига кўра, одамлар кўнгилли равишда, кўшимча пул ишлаш учун теримга чиқишади.

Уларнинг бу тасдиғи ёлғон, чунки кундалик пахта нормасини териб бериш ҳақидаги тилхатни кўнгилли теримчилардан ҳеч ким талаб қилмаган бўларди.

Шу йилнинг 14 сентябрида, Жиззах шаҳридаги хусусий дўкон

ёзилган? Конституциянинг қаерида ёзилган?

Лазиз Файзикулов: Бу Бош вазирнинг буйруғи. Тушунасанми? Президент вазифасини бажарувчининг буйруғи. Сенинг ҳақинг йўқ бу буйруқни бажармасликка.

Тадбиркор: Унда буни қонунчиликка киритинг. Мен буни

Пахта теримида «кўнгилли қатнашиш» тилхати — эркин теримчиларни тағин мазах қилиш

хизматчиси ва милиция ходими ўртасида бўлган қуйидаги диалог, Ўзбекистон пахта секторидаги таъмағирлик ва мажбурийлик тизими давлат сиёсати даражасида сақланаётганини англатади.

Аудио ёзувда, ўзини Лазиз Файзикулов дея таништирган милиция ходими, тадбиркордан дўконни ёпишни ва пахтага чиқишни талаб қилади. Тадбиркорнинг бундай талаб қанчалик қонунга мувофиқлиги ҳақидаги саволига жавобан, Файзикулов мажбурий пахта теримига чиқиш ҳақидаги буйруқни президент вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев бергани ва унинг ижроси мажбурий эканини айтади.

Лазиз Файзикулов: Қачон чиқасан (пахта теримига)?

Тадбиркор: Чиқа олмайман мен, унда ким ишлайди? Мен ахир солиқ тўлайман. Тадбиркорларга ҳа бу ҳеч бир алоқаси йўқку пахтани?

Лазиз Файзикулов: (кулади) Қандай алоқаси..?

Тадбиркор: Агар мен пахта теришга чиқсам, солиқни қандай тўлайман? Тадбиркорларга ахир халиқит бермаслик керак.

Лазиз Файзикулов: Кечириб қўйибсан.. Бу давлат сиёсати. Хусусий тадбиркорлик кеча пайдо бўлди. Пахта мустақилликнинг 25 йилидан бери давлат сиёсати ҳисобланади.

Тадбиркор: Меҳнат Кодекси деган тушунча бор. Мен мажбур эмасман..

Лазиз Файзикулов: (дўк қилишга ўтади). Сен мажбурсан! Мажбури тартибда (пахта) теримга чиқасан. Сен шу маҳаллада яшайсан, шунинг учун ҳам пахтага чиқасан. Сен мажбурсан! Сен чиқасан! Сен шу давлатда яшайсанми, пахтадан бўлган кийимни кийиб юрибсанми..

Тадбиркор: Бу қайси қонунда

бажармайман. Буйруқни кўрсатинг. Бунинг ҳаммаси оғзаки гаплар..

Лазиз Файзикулов: Оғзаки буйруқ ҳам буйруқ! У ҳолда сен теримга чикмайман, буйруқни бажармайман деб ёзиб берасан. Кўрамиз. Сен кимни провокация қилаяпсан. Сен мажбурсан, тушундингми? Мажбурсан!!

Тадбиркор: Мен мажбур эмасман. Мен эркин инсонман.

Лазиз Файзикулов: Сен чиқасан! Бу ерда агитация қилма, аксинча, сен Ўзбекистон билан бўл, кўшнилари теримга даъват қил, улар ҳам чиқишсин пахта теришга. Агар ўзинг чиқмасанг, кўтингни қис ва бошқаларни агитация қилма, тушундингми? Сенинг ҳақинг йўқ бошқаларни агитация қилишга, пахтага чиқманглар деб! Сен кимсан ўзи? Пацан... Сени ҳукуматнинг буйруғини бажармасликка ҳақинг йўқ!

Эслатиб ўтиш жоиз – оммавий пахта теримига мажбурлаш билан бир вақтда Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ) ўзбек мулозимлари билан биргаликда Ўзбекистондаги меҳнат қонунчилиги ижроси устидан мониторинг ўтказишмоқда.

Бу кўшма мониторингнинг ажабланишли томони шундаки, мажбурий меҳнатни ташкил этган амалдорларнинг ўзлари ўзларини текширишади, ХМТ вакиллари эса, ўз дастурларини бошлашганига уч йил бўлибдики, мажбурлашнинг бу жинойий машинаси аслида қандай ишлашини тушунишолмайди.

Манба: Eltuz.com

<p align="center">“ERKIN YURT” интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Мухаррир: Нурбек Саломов</p>
